



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚУМИТА



«ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР» ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ

2022 йил, 14-17 июнь, Тошкент шаҳри



«Ватанни севмоқ
иймондандир» иншолар
танлови иштирокчиларига!

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
18 июнь
шанба
№ 77
(4673)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Тоққа чиқиб, кўз ташласанг, бу ҳасратли замонга,
Сукланиб нур сочар кўёш Ўзбекистон томонга.

Бугун Ватан тупроғининг тафти, рафти ўзгача,
Ўзгачадир тиловати кўшиқ, наво, сўзгача.

Бугун юртнинг ишонч тоғи – қўлидаги машғали,
Буюк Турон ёшларидир – Ўзбекистон ёшлари.

Жаҳд қилсангиз Асқартоғлар пойингизда ётадир,
Юртбошимиз ўзи сизга ҳам устоз, ҳам отадир.

Сиз пойдевор қўймоқдасиз янги замон фаслига,
Ва Учинчи Ренессанснинг маҳобатли қасрига.

Сиз Бухорий, сиз Навоий, сиз Бехбудий, ҳожисиз,
Сиз миллатнинг Кўҳинури – бошидаги тожисиз.

Бу дунёда Ўзбекистон, ўзбек номи бор бўлсин,
Укаларим, сизга доим улуғ шиддат ёр бўлсин!

Абдусайд КҮЧИМОВ

17.06.2022 йил.



«ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР» ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

1-ЎРИН

Мусаёров Муртазо Курбонмат ўғли – Қашқадарё вилоятидаги Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси 2-курс талабаси.

2-ЎРИН

Маманов Муҳаммадамин Қулмирза ўғли – Ўзбекистон халқаро ислом академияси 3-курс талабаси.

Тешабоев Асрорбек Умархон ўғли – Бухоро вилоятидаги «Мир Араб» олий мадрасаси 1-курс талабаси.

3-ЎРИН

Атамуратов Азизбек Абилезим ули – Қорақалпоғистон Республикасидаги Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси 3-курс талабаси.

Йигиталиева Эъзозхон ўктамжон қизи – Тошкент ислом институти 1-курс талабаси.

Абдурахимов Равшанбек Фурқатжонович – Андижон вилоятидаги «Сайид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом таълим муассасаси 1-курс талабаси.

ҚЎШИМЧА НОМИНАЦИЯЛАР СОВРИНДОРЛАРИ

«ЁШ ВАТАНПАРВАР» НОМИНАЦИЯСИ

Муртова Муслима Алишер қизи – Ўзбекистон халқаро ислом академияси академик лицейи 1-курс ўқувчиси.

«ЭНГ САМИМИЙ ДИЛ ИЗХОРИ» НОМИНАЦИЯСИ

Абдурашидов Абдуваҳоб Абдумалик ўғли – Наманган вилоятидаги «Ҳидоя» ўрта махсус ислом таълим муассасаси 3-курс талабаси.

«ИСТИҚБОЛГА СОБИТ ИШОНЧ» НОМИНАЦИЯСИ

Юсуфов Зоҳиджон Нодир ўғли – Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси 1-курс талабаси.

«ФИДОЙИЛИК РУҲИ» НОМИНАЦИЯСИ

Сатторова Озода Санжар қизи – Бухоро вилоятидаги «Жўйбори Калон» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси 2-курс талабаси.

«МАЪРИФАТ РУҲИ» НОМИНАЦИЯСИ

Хўжаёр Амина Тошмурод қизи – Тошкент шаҳридаги «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси 4-курс талабаси.

«ЧЕТ ТИЛИДА РАВОН ЁЗИЛГАН ИНШО» НОМИНАЦИЯСИ

Йўлчиев Элдорбек Асрор ўғли – Қашқадарё вилоятидаги Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси 1-курс талабаси.

«ЭНГ ЯХШИ ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ» НОМИНАЦИЯСИ

Муқимов Ёлқин Тўймуродович – Бухоро вилоятидаги «Мир Араб» ўрта махсус ислом таълим муассасаси 4-курс талабаси.

«ТЕРАН ТАЛҚИНЛАР» НОМИНАЦИЯСИ

Холмуродов Жаҳонгир Абдужабборович – Хоразм вилоятидаги Имом Фахриддин ар-Розий номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси 1-курс талабаси.

«ЭНГ ЯХШИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ» НОМИНАЦИЯСИ

Парпиев Саидмаҳмуд Ғолибхон ўғли – Самарқанд вилоятидаги Ҳадис илми мактаби 3-курс талабаси.

«МИЛЛИЙ РУҲ» НОМИНАЦИЯСИ

Абдуманнопова Иродахон Муҳаммаданов қизи – Ўзбекистон халқаро ислом академияси 4-курс талабаси.

«БЕҒБУБОР ТУЙҒУЛАР» НОМИНАЦИЯСИ

Туробова Фотима Шухрат қизи – Бухоро вилоятидаги «Жўйбори Калон» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси 1-курс талабаси.

«БЕЗОВТА ҚАЛЬ» НОМИНАЦИЯСИ

Илҳомий Икромбек Баҳром ўғли – Тошкент шаҳридаги «Кўкалдош» ўрта махсус ислом таълим муассасаси 3-курс талабаси.

«Ватанни севмоқ иймондандир»

ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР





«Ватанни севмоқ»

ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА

Саёҳат

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ДАМЛАР

Мамлакат ва жамият тараққиётини илмий кадрлар белгилайди. Ўқиш-ўрганишнинг энг муҳим палласи эса ёшлиқдир! Чунки бу даврда олинган билим тошга ўйилган нақш каби ҳеч қачон унутилмайди. Ана шу боис юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб воёга етишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, эзгу мақсадларда турли тadbирлар, фан олимпиадалари ва танловлар ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ушбу идора тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ўртасида уюштирилган «Ватанни севмоқ иймондандир» номли иншолар танлови ҳам айна шу мақсадда ташкил этилди.



Имтиҳон олдидан талабалар пойтахтимиздаги бир қанча диққатга сазовор қадамжоларни зиёрат қилдилар. Дастлаб «Янги Ўзбекистон» боғи ва «Ғалаба» ёдгорлик мажмуасида бўлдилар. Шунингдек, «Истиклол» монументи ва «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

«Янги Ўзбекистон» ва «Ғалаба» боғига келиши анчадан буён орзу қилиши юрардим, – деди Андижон вилоятидаги Сайид Мухийдин Маҳдум ўрта махсус ислом билим юртининг 2-босқич талабаси Абдулвосил Абдусатторов. – Иншолар танлови шарофати билан холис ниятим ижобат бўлди. Иккала боғдаги шарт-шароитлар мен ойнаи жаҳон орқали кўрганымдан-да аъло экан. Муҳими, бу зиёратлар олдимида турган синов чоғи жуда асқатади. Зотан, бундай масканларни кўрмай, улардаги муҳитни қалбдан ҳис этмай туриб, Ватан ҳақида таъсирчан иншо ёзиб бўлмайди.

Саёҳатдан сўнг талабалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишдилар. Уларда палата раҳбарияти ҳамда Ёшлар парламенти вакиллари билан мулоқот, профессор Акмал Саидовнинг «Тараққиёт стратегияси – келажак учун мустақам замин» мавзусидаги маърузаси катта қизиқиш уйғотди.

Режага мувофиқ, танлов қатнашчилари Ўзбекистон Ислам цивилизацияси марказида ҳам бўлиб, у ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кузатдилар. Мутасаддиларнинг айтишларича, уч қаватли бу иншоот Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида 7 гектар майдонда барпо этилмоқда. Узунлиги – 161 метрга,

эни – 118 метрга, ўртасидаги гумбазининг баландлиги эса 67 метрга тенг.

Марказ биноси ўрта асрлар Марказий Осиё меъморчилиги усулида лойиҳалаштирилган бўлиб, тўрт томони илмни тарғиб қилувчи, бағрикенглик ва инсонпарварликка ундовчи оят ва ҳадислардан иборат хатотлик ёзувлари билан безатилган. Биринчи қавати реставрация ва электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, 200 ўринли замонавий кафетерий, музей, вестибюллардан иборат бўлади.

Экскурсия чоғи талабалар Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ҳам бўлдилар. Бу даргоҳда Қуръон тиловат қилинган, муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг «Исломида Ватанга бўлган муҳаббат» мавзусидаги маърузасини тингладилар.

«Ватан – она каби муқаддас», деган гап беҳиз айтилмаган, – деди муфтий давра аҳлига юзланиб. – Иймонли одам ҳеч қачон Ватанига хиёнат қилмайди, уни бор камчиликлари билан яхши кўради. Демак, ҳар бир мўмин ва мусулма киндик қони тўкилган юрт равнақи учун курашишга бел боғласа, унинг икки дунёси ҳам обод бўлади. Ватанга муҳаббати йўқ инсондан эса яхшилик кутиб бўлмайди.

Талабалар «IT Технопарк» ва Шаҳидлар хотираси хиёбонида ҳам бўлишди. Саёҳат якунида улар учун Тошкент телеминорасининг «Коинот» ресторанида байрам дастурхони ёзилди.

Сирасини айтганда, танлов иштирокчиларининг пойтахт бўйлаб саёҳати мазмунли ва таассуротларга бой бўлди.



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, сенатор:

– Аслида дилида иймони бор кишигина ўз Ватанини чин қалбдан сева олади. Уни бор ютуқларини камчиликлари билан қадрлайди. Ишончим комил, «Ватанни севмоқ иймондандир» иншолар танловида иштирок этган ҳар бир талаба, ҳар бир ўқувчи мана шундай инсонлар сирасига киради. Ва яна бир нарсани фахр билан айта оламан, ушбу ёшлар келажакда мамлакатимиз равнақи, илм-фан ривожига, ислом дини тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида «Ватанни севмоқ иймондандир» иншолар танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Президент маслаҳатчиси – Халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, се-



натор, академик Акмал Саидов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Соҳиб Тошбоев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, парламент вакиллари, танлов иштирокчиларининг устозлари, ота-оналари, касаба уюшмалари масъул ходимлари қатнашдилар.

Тadbирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов иштирокчиларни ғолиблик билан қутлади.

Таъкидланганидек, бугунгача мактаб ҳамда ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари ва юртимиздаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида мана шундай нуфузли танловлар бўлиб ўтди. Бундай мазмундаги танлов эса диний таълим ўқув муассасалари талабалари ўртасида биринчи бор ўтказилмоқда.

Албатта, бугун барча жабҳаларда бўлгани каби диний таълим муассасаларига ҳам жуда катта эътибор қа-

ратилмоқда. Амалга оширилган иш-лохотлар натижасида «Мир Араб» олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, Имом Термизий номидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаси ҳамда 5 та илмий мактаб ташкил этилди.



Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси:

– Юртимиздан ислом динининг устунлари саналмиш – Термизий, Бухорий, Замахшарийлар етишиб чиққан. Қуръони Карим Арабистонда жамланган бўлса, унинг нури, илми бизнинг дийрага тушганини буюк ва таниқли шайхлар тан олган. Ана шундай муътабар юртда яшаб, диний йўналишда илм олиш мана шу ёшларга насиб қилган. Бу – катта бахт!

Илоҳим, талабаларнинг иншода битган эзгу туйғулари, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати фақат қоғозларда қолмасдан, дилидан ҳам чуқур ўрин эгалласин. Ҳар бир иштирокчи, хоҳ у ғолиб, хоҳ мағлуб бўлсин, фақат эл-юрт равнақи, халқ манфаатлари, инсон қадрини йўлида меҳнат қилсин.



Бу мавзуда юз саҳифалаб

Иншолар танлови иштирокчилари парламент вакиллари, илм-фан арбоблари билан учрашдилар. Мулоқот аввалида Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов «Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсади – Уччинчи Ренессанс» мавзусида маъруза қилди.

– Шиддатли ва таҳликали ҳозирги даврда ўзлимизни асраш, қадриятларимизни улуғлаш энг асосий мақсадимиз бўлиши керак, – деди у ўз чиқишида. – Аммо бу шунчаки хоҳиш-истак билан эмас, балки жуда катта куч, сабр-қаноат, меҳнат эвазига амалга ошади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз вазифамизни виждонан бажаришимиз, бугунги ислохотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишимиз керак. Токи биздан яна Ибн Синолар, Бухорийлар етишиб чиқсин. Ахир, ҳозир аждодлар билан мактабни юрайдиган вақт эмас. Аксинча, уларга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилиш фурсати аллақачон етган.

Учрашувда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) бош директори, шоир Абдусайд Кўчимов Янги Ўзбекистон адабиётини инсон маънавиятининг улуғланиши ҳақида сўз юритди. Шу асно мамлакатимизда илм-маърифат, иқтисодиёт, айниқса, мумтоз адабиётга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, профессор ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг маърузаси ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Дарҳақиқат, Ватанни қалбида иймони бор ҳақиқий инсонлар севади, – деди у ўз нутқида. – Аслида, бу мавзуда дафтарларни тўлдириб, юз саҳифалаб ёзиш мумкин. Аммо унда битта бўлса-да, теша тегмаган гап бўлмаса, муаллифнинг вақти зое кетгани қолади, холос. Ватанни нафақат мақташ, балки камчиликларини ҳам рўй-рост айтиш керак. Чунки ҳеч бир мамлакат камчиликлардан холи эмас. Ватан мадҳини уни ўқиган муҳибнинг кўз ўнгига ўзи туғилиб ўсган ошён гавдаланадиган даражада аниқ ва лўнда қилиб ёзиш керак.

– Танловда биздан 30 нафарга яқин ўқувчи ишти-

рок этди, – дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси академик лицейи ўқитувчиси Наима Аликулова. – Улардан 1-, 2- ва 3-ўринни олганлари республика босқичида қатнашмоқда. Танловдаги энг ёш иштирокчилар бизнинг ўқувчиларимиз, аммо уларнинг шашти



ИЙМОНДАНДИР»

БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР



Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилди. Айни вақтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида 3 та олий таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2300 нафарга яқин талаба таҳсил олмақда.

Бугун ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бузғунчи ғоя ва мафқураларга қарши тура оладиган интеллектуал етук шахс даражасига кўтариш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб. Шундай паллада давлат раҳбарининг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғоясини ўртага ташлагани ва уни миллимиз ва давлатимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи даражасига кўтарилгани ҳам аслида мана шундай улғ мақсадларни қамраб олган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Халқаро ислом академияси ҳамкорлигида олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларининг талабалари ўртасида ўтказилган «Ватанни севмоқ иймондан-

дир» иншолар танлови ҳам ана шу эзгу ғоя йўлида ташкил этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, танловнинг илк bosқичида 15 та олий ва ўрта махсус диний таълим муассасасининг 3 минг нафардан ортиқ талабаси иштирок этиб, уларнинг 45 нафари яқиний bosқичга етиб келган. Муҳими, ғолиблар орасида ўз ижодий ишларини ўзбек, қорақалпоқ, инглиз, француз ва араб тилида ёзган ёшлар ҳам борлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этилганидек, ҳакамлар ҳайъатига ижодий ишларни баҳолаш осон бўлмади. Боси, ҳар бир иншо мазмунли ва ўзига хос, эҳтирос ва самимиятга тўла. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ва Ёшлар парламенти вакиллари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, Дин ишлари бўйича қўмита раиси, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ва ижодкорлар билан мулоқотларда олинган маълумотлар ва улардан чиқарилган хулосалар иншо ёзиш жараёнида талабаларга асқатгани рост. Бу уларнинг ижодий ишларидан яққол сезилиб турибди. Ҳар бирида Ватан ҳақида теша тег-

маган гап бор. Нафсиламбрини айтганда, талабаларнинг иншоларидан кўриниб турибдики, ҳар бир иштирокчи шу азиз Ватанга сизқидилдан хизмат қилишга шай. Ҳаммасининг фикри теран. Чуқур билим ва тафаккурга эга.

Талаба-ёшларнинг қалб қўри тўкилган иншолар бир-бирдан мазмунли, рангин, салмоқли бўлса-да, улар ичидан энг зўрларини саралаб олиш лозим.

Тадбир давомида узоқ муҳокама, баҳслардан сўнг бу масъулиятли вазифа ҳам адо этилгани қайд қилиниб, мукофотлар тантанали тарзда ўз эгаларига топширилди. Барча иштирокчиларга Президент совғаси сифатида ноутбук, диплом, 1-ўрин соҳибига 30 миллион сўм, икки нафар 2-ўрин соҳибига 20 миллион сўмдан, уч нафар учинчи ўрин соҳибига 10 миллион сўмдан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг пул мукофотлари берилди. Талабалардан яна 12 нафари турли номинациялар бўйича тақдирланди. Ғолиб ўқувчиларнинг устозлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.



Муртазо МУСАЁРОВ,
Қашқадарё вилоятидаги
Ҳожа Бухорий номидаги
ўрта махсус ислом таълим
муассасасининг 2-курс
талабаси, 1-ўрин соҳибига:

– Ватанга бўлган муҳаббатни, аввало, ота-онам, сўнгра устозлардан ўргандим. Президентимизнинг ёшларга бўлган муносабати, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар Ватанга бўлган муҳаббатимни анада оширди.

Бизни пойтахтда жуда илиқ кутиб олишди. Тошкент шаҳрининг аҳамиятли жойларига уюштирилган саёҳатлар менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Ғалаба» боғида кўрганларим иншо ёзиш жараёнида роса қўл келди.

Буни қарангки, ушбу тадбирда ғолиб бўлиш билан бир қаторда, кўпдан буён дилимга туғиб юрган катта ниятимга эришдим. Ҳа-дисларда ҳар қандай ҳолатда ҳам ниятни яхши қилиш кераклиги ҳақида ўқитилади. Мен ҳам бир фарзанд ўлароқ анчадан буён ота-онамни Умра зиёратига юборишни мақсад қилган эдим. Ниятим холис экан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси менга ва ота-онамга ушбу имкониятни берди. Бу мен учун жуда катта бахт ва омад. Айни кезда кўнглимда кечаётган ўй-хаёлларни, қувончу шодликларни сўз билан ифодалаб беролмайман. Танловни ташкил этган ва бизга шундай имкониятларни яратиб берган барча мутасаддиларга чексиз ташаккурларимни изҳор этаман.

Танлов ЮРТ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИШНИНГ ҒАШТИ БЎЛАКЧА...

«Ватанни севмоқ иймондан- дир» республика bosқичи иштирокчилари учун 16 июнь ёддан чиқмас сана бўлди. Негаки, шу кунни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг 45 нафар талабаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залига тўпланди. Улар иншо ёзишга киришишдан олдин ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан танловнинг қонун-қоидалари бўйича батафсил маълумотлар олишди. Жараён бошлангач, ҳар бир талаба ўзгача бир иштиёқ билан иншо ёза бошлади. Бу уларнинг юз-кўзларидан ҳам сезилиб турарди.



Белгиланган вақт тугагач, иштирокчилар дил сўзлари баён этилган дафтарларни бирин-кетин ҳакамлар ҳайъатига топширдилар. Биз улардан айримларини суҳбатга чорладик.

– Ушбу танловда қатнашар эканман, қалбимни ажиб бир ҳис-туйғулар қамраб олди, дейди Наманган вилоятидаги «Ҳидоя» мадрасаси талабаси Нўъмонжон Абдурахмонов. – Айниқса, ижодкор ва сиёсий арбоблар билан уюштирилган учрашувлар ҳамда пойтахт бўйлаб саёҳат менга жуда катта руҳ бағишлади, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундай пайтларда Ватан ҳақида иншо ёзишнинг ғашти ҳам бошқача бўларкан.

– Танлов жараёнида мени ҳаяжонга солган лаҳзалар кўп бўлди, дейди Халқаро ислом академиясининг 2-bosқич талабаси Дилдора Ражапбоева. – Айниқса, «Шаҳидлар хотираси» хиббони ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидаги ҳолатимни сўз билан таърифлашим қийин. Ўзим ёзган иншода эса бу-

гунги дориламон кунларда эмин-эркин яшашимизга муносиб ҳисса қўшган, Ватан озодлиги ва равнақи йўлида жонидан ҳам воз кечган миллат қаҳрамонлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни баён этдим.

– Гарчи пойтахтда яшасам-да, иш билан андармон бўлиб, ён-атрофимдаги ўзгаришларга у қадар эътибор бермаган эканман, дейди Д.Ражапбоевнинг устози Азиза Турғунова. – Танлов баҳонасида сўнгги йилларда юртимизда рўй берган ўзгаришлар ва амалга оширилган бунёдкорликларни кўриб, моҳиятини англаб етдим. Мени, айниқса, Ислом цивилизацияси маркази ва «Tashkent city» жуда ҳайратлантирди. Танлов жараёнида бошқа таълим муассасалари ходимлари билан ҳам мулоқотда бўлиб, фикр алмашдим. Энг муҳими, овоз ва обод диёрда яшаётганимни, бу ўлкада инсон қадри тобора улғуланаётганини қалбим билан ҳис этдим. Бизга шундай имконият яратиб берган мутасаддиларга ташаккур!



ЁЗИШ МУМКИН, АММО...

баланд, орзу-умидлари катта. Муҳими, барчаси бундай танловда қатнашаётганидан мамнун. Ўқувчиларимизда бугунги учрашувлар ҳам катта таассурот қолдирди. Ахир элнинг таниқли зиёлилари билан бир даврада ўтириб, юзма-юз мулоқот қилиш ҳаммага



ҳам насиб этавермайди-да...

Учрашувдан сўнг танлов иштирокчилари Ўзбек миллий академик театрида драматург ва ёзувчи Назар Эшонқул пьесаси асосида режиссёр Асқар Холмўминов томонидан саҳналаштирилган «Жалолиддин Мангуберди» спектаклини томоша қилишди. Ватан озодлиги йўлидаги мардонавор кураш, буюк аجدодимиз сиймоси, ўша давр муҳити яққол очиб берилган мазкур асарнинг бош ғояси миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган буюк саркаранинг ҳаёт йўлини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишдан иборатдир. Зеро, Жалолиддин Мангуберди йигирма икки ёшидан умрининг охиригача мўғулларга қарши 14 марта жанг қилиб, 11 тасида ғалаба қозонган. Унинг номи мўғул қўшинларини мағлуб қилган биринчи саркарда сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган.

– Мен Жалолиддин Мангуберди ҳақида тарихий асарларда кўп ўқиганман, лекин унинг қаҳрамонликларини, ўша давр муҳитини тўлиқ тасаввур қила олмагандим, дейди Ўзбекистон халқаро ислом академияси академик лицейи ўқувчиси Муслима Муродова. – Бугунги спектакль воқеалари ана шу бўшлиқ



ўрнини тўлдирди. Драма менда жуда катта таассурот қолдирди.

Бинобарин, ушбу саҳна асари ёшларимизга ўз ақл-заковати билан тарихда ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангуберди ҳақида кенгроқ маълумот олиш имконини берди. Қолаверса, навбатдаги иншолари учун янги илҳом манбаи вазифасини ўтади.

Учрашув

Менда таклиф бор!

Тафовутга ўрин йўқ

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш жараёнида қонунчилик техникасига қатъий риоя қилиш керак. Қўлланиладиган иборалар, атамалар қабул қилинган қонунлар тилига мос келиши шарт ва айти пайтда, Асосий қонуннинг давлат тилидаги матни билан бошқа тиллардаги матни ўртасида тафовут бўлмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан, Конституциянинг 54-моддаси ўзбекча матнини таҳрир қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мулк (164-модда) ва мол-мулк (83-модда) фарқланади. Мулк – моддий бойликларни ўзлаштириш борасидаги ижтимоий муносабат бўлса, мол-мулк моддий неъматлар, ашёлар ҳисобланади.

Конституциянинг 54-моддаси русча матни ҳар иккала тушунчаларни фарқлайди ва норма мазмунини аниқ белгилайди. Бироқ ўзбекча матнда ушбу тушунчалар фарқланмайди. Мулкдор ҳар доим ўз ваколатларини муайян



мол-мулкка нисбатан амалга оширади.

Шу сабабли ҳам Конституциянинг 54-моддаси куйидаги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқ: «Мулкдор мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги,

фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Омонбой ОҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор

Мамлакатимиз ўтган давр ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бунга кўзланган мақсадлар ҳолис, марралар юксак, танлаган йўлимиз тўғри экани, халқимизнинг иродаси, матонати ҳамда меҳнатсеварлиги сабаб десак, адашмаган бўламиз. Демак, Конституциямиз халқчил бўлиши, унда асосий қоида қилиб халқ манфаатлари устунлиги белгилашни лозим.

КОНСТИТУЦИЯ ХАЛҚЧИЛ БЎЛИШИ КЕРАК!

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил устуворлик касб этиши, бунинг учун эса нималарга эътибор қаратишимиз лозимлиги Бош қонунимизда ўз аксини топиши керак.

Жумладан, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш; қурилишлар, йўл қурилиши масалаларида аҳоли яшаб турган уй-жойларга уларнинг ролиги босқинчи зарар етказмаслик; яратилган боғлар, дарактзорларни турли баҳоналар билан вайрон қилмаслик; эҳтиёжманд оилаларга маблағ ажратилганда, уларнинг тирик-

чилигига етадиган меъёрни белгилаш; энг кам ойлик маошнинг миқдорини белгилашда бир оиланинг тирикчилигига етишини назарда тутиш; бола тарбияси учун таътилда ўтирган аёлларнинг барчасига ишлаш ёки ишламаслигидан қатъи назар, маблағ ажратиш; эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг бепул даволанишига имконият яратиш, бепул даволаган хусусий касалхоналар учун солиқ имтиёзлари бериш; – Меҳрибонлик уйлари, эҳтиёжмандларга хайр-эҳсон қилган тадбиркорлар учун солиқдан имтиёзлар бериш; – ёлланма ишчи, марди-

кор сифатида ишлаётганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш чораларини белгилаш каби масалаларга эътибор қаратиш муҳимлиги инобатга олиниши керак.

Янги Ўзбекистонда – жамият ислохотлар ташаббускори бўлган заминда фуқароларимизнинг таклиф ва фикрларини ўрганган, қайта-қайта муҳокамага қўйган ҳолда халқчил Конституция яратмоғимиз керак. Токи, у бугунги кунимизга эмас, келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин.

Муборак АХМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Андижон вилояти



Стевия – япроғи асалли доривор ўсимлик. Асл ва тани Парагвай бўлиб, табиий ҳолда ўсади. Бу мамлакатда яшовчиларнинг ҳар бири йил давомида стевия баргидан тайёрланган 8 килограмм чойни истеъмол қилишади. Шу боис улар ўртасида қандли диабет билан хасталанганлар йўқ ҳисоби.

АСАЛЛИ СТЕВИЯ шакар ўрнини босади(ми?)

Стевиянинг шифобахш хусусиятлари узоқ вақт сир тутилган. 1887 йилгача европалликлар бу ўсимлик ҳақида ҳеч нарса билмаган. Таникли олим Антонио Бертони илмий жиҳатдан ўрганиб, расмийлаштирилган сўнггина у дунё аҳлига маълум бўлган.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – стевиянинг барги шакардан ўттиз баравар ширин. Ундан тайёрланган парҳез ичимлик соғлиқ учун мутлақо безарар. Қандли диабет, семирish, бавосил, иммунитет пастлиги, уйқусизлик, асабийлашиш, бош оғриги, гангрена, оёқ шишиши, қон босимининг кўтарилиши ва пасайиши, соч оқариши ва тўкилиши ҳамда бепуштлиқ каби қатор хасталиклар учун шифобахш таъсирга эгалиги мутахассислар томонидан ўрганилган. 2020 йилги тиббий статистика маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 16 фоиздан ортироғи (420 миллион киши) қандли диабет билан оғриган. Агар стевия саноат усулида етиштирилса, кўпчиликни қаттиқ ташвишлантираётган бу муаммо ижобий ечим топиши мумкин.

Зиёвуддин Йўлдошев узоқ йиллар Андижон давлат тиббиёт институтида клиник фармакология фанидан дарс берган. Ҳозир асоратли диск чурраси диагнози билан 1-гурух ногирони. У шифобахш хусусиятларини билгани боис стевияни 10 йилдан бери истеъмол қилади.

– Дастлаб иммунитетни пастлаб, юришга ҳам мажол қолмаган уч ёшли неварамга стевиядан тайёрланган печенье бердим, – дейди у. – Натижаси 10 кунда билинди. Неварам қувватга кириб, югуриб ўйнаб кетди. Кейин мутахассис сифатида ушбу ўсимликнинг кимёвий таркибини ўргандим. Ўзим

асалари боқаман. Лекин болдан ҳам шифобахшлигини тушунганим сабабли бу гиёҳни тановул қилишни унутмайман.

Стевияни японлар ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига киритишган. Бу мамлакатда 1982 йили 300 тонна асалли япроқ етиштирилган, қўшимча равишда жануби-шарқий Осиё давлатларидан 700 тонна сотиб олинган. Узоқ умр кўрувчилар юртида озиқ-овқат саноатининг деярли ярмида ҳозир стевия қўлланилади.

Избоскан туманининг Жонобод қишлоғида яшовчи 73 ёшли отахон Расулжон Қутибоев «Оллоберди асали» фермер хўжалигини ташкил этган. Шунингдек, стевия доривор ўсимлигини парваришлашни пухта ўзлаштирган. У салкам 30 йиллик тажрибасига таяниб, бир гектар ерга 75 минг туп қўчат экади ва 500 килограмм асалли япроқ йиғиб олади.

Стевиянинг 2 грамм қуритилган баргидан ярим литрлик иккита идишда яхна чой далакнади. Унга қўшимча таъм берилса, мазаси «Coca-Cola», «Pepsi»-никидан қолишмайди экспортбоп ичимлик тайёрлаш мумкин.

Бу ўсимликнинг қуритилган баргидан кукун, қайла ва суюқ ҳолдаги ширин модда – стевизид олинади. Уни шакар ўрнида ишлатиб, мева шарбатлари ва турли хил ичимликлар тайёрланади. Қандолатчиликда ҳамда мевалардан мураббо ва шарбат тайёрлашда шакар ўрнида фойдаланилади.

Мухими, охириги пайтлар нархи кунда-кунора ўйнаётган шакарни ҳам стевиядан олиш мумкин. Аниқроғи, 1 гектар ерда етиштирилган ҳосил 135 тонна шифобахш

Долзарб мавзу

маҳсулот тайёрлашда асқатади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1 килограмм қуритилган баргининг ўзидан миллион сўм фойда кўрилади. Демак, гектаридан 2 миллиард сўмлик даромад ортиради.

Расулжон аканинг асаларичилик хўжалигида амаранда, хелба ва қора седана каби зиравор ва шифобахш ўсимликлар ҳам парваришланади.

– Агар стевия етиштириш кенг йўлга қўйилганида, хомашё ўзимиздан чиққани эвазига шу кунларда шакарнинг нархи бирмунча арзонлашарди, – дейди миришкор отахон. – Дунёни фикр ўзгартиради. Ҳокимларимиз янада изланувчан бўлишса, жўяли таклиф-ғояларни амалиётга дадил татиб қилишда жонбозлик кўрсатишса, ҳар хил бюрократик тўсиқларни бартараф этишса, ривожланишнинг янги босқичига чиққан бўлардик.

Президентимиз шу йил 20 майда «Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чеқди. Унда стевияга ўхшаш 15 турдаги доривор ўсимликлар етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш зарурлиги ўқтирилган. Бироқ шифобахш ўсимликларни етиштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ана шундай бир вазиятда Расулжон ака эзгу ниятда бошлаган ишлар олға силжияпти. Унинг масул ташкилотларга доривор ўсимликни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича киритган таклифлари икки ойча бурун ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш учун туман ҳокимлигига жўнатилган. Минг таассуфлар бўлсинки, амалга татбиқ этилса, катта фойда келтирадиган бу таклифлар ҳокимликнинг қайсидир бўлимида чанг босиб ётибди.

Ҳолбуки, стевияни саноат усулида экиш жорий этилса, ишсизлик жиддий муаммога айланган, ҳудуди кичик, аммо аҳолиси зич Андижон вилоятида қанчадан-қанча одамларнинг рўзгорига қут-барак кирарди. Чунки 100 гектар ерда бу доривор ўсимлики парваришлаш билан 1,5 минг киши шуғулланади. Ушбу кўрсаткич стевия экиладиган майдонлар кенгайиши ва ҳосилни қайта ишлаш йўлга қўйилиши натижасида янада ошиши аниқ. Озиқ-овқат ва фармацевтика соҳасида тайёрланадиган маҳсулотларни-ку, айтмас ҳам бўлади. Хўш, мутасаддилар бу масала хусусида нима дейдилар?

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»



Касаба уюшма аралашгач...

УСТАМА ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Ферузбек Бекмирзаев кўп йиллардан бери Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Кўп тармоқли марказий поликлиникада врач-нарколог бўлиб ишлаб келади. Аммо негадир унга қонун доирасида тўланиши керак бўлган 25 фоизлик ойлик устама пули тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳисоб-китоб қилинмади.

Ферузбек бу масала бўйича иш берувчи билан кўп марта гаплашди. Лекин фойдаси бўлмади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани Фарғона вилояти кенгашига ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилгандан сўнггина муз кўчди.

Урганишлар давомида, ҳақиқатан ҳам, унга 2017 йил сентябрь ойидан 2022 йил апрель ойигача бўлган ойлик устамалар тўланмай келина-

Равшанбек ФОЗИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Эълон ва билдирувлар

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Изатиллаева Мафтуна Баҳром қизи номига берилган UM №1042345-рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 173-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Наҳибуллох Санжарбек номига берилган UM №1160127 (рўйхат рақами 65) рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт (аввалии Сергели) туманидаги 304-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 йилда Носирова Севара Ғафур қизи номига берилган UM №5188022 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент давлат университети (аввалии В.И.Ленин номидаги) томонидан 1991 йилда Хабиллова Раъно Раҳманбековна номига берилган ФВ №957244 (рўйхат рақами 35236) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси «Оқтош» санаторийси директори Жасуржон Алимовга отаси **Комилжон АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Таълим ва фан ходимлари Республика кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нуробод тумани кенгаши раиси Эркин Абдусаломов вафоти бузруквори **Нишон АБДУСАЛОМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Урганч шаҳридаги «Хогазт palas» масъулияти чекланган жамияти (меҳмонхонаси) директори Равшанбек Қурбоновга отаси **Шарифбой ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.



ISSN 2010-5009
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхrir хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРҶЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги англиклар, тахлий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров
Мусаҳиҳ:
У. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **01:50**
Топширилди – **02:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетна **V- 5200**

34287 нурхата босилди.

Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.
Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Ишонабод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130